


Халқаро Олимпия Кўмитасининг 1952 йил Хельсинкида бўлиб ўтган сессиясида бу халқаро спорт ҳам-миятининг 82 ёшли раҳбари Юханнес Зигфрид Эдстрем истеъфода чиқишини билдирди. Сессияда Америка Кўшма Штатларининг вакили Эйвери Брэн-деж Халқаро Олимпия Кўмитасининг бешинчи президенти этиб сайланди.



СУРАТДА: Халқаро Олимпия Кўмитасининг бешинчи Президенти Эйвери Брэн-деж.

Ихтисослиги бўйича курувчи-муҳандис бўлган Эйвери Брэн-деж турли қурилиш фирмаларида ишлаган, ўз "Эйвери Брэндеж Компани"-сига асос солиб, хусусий бизнесига эга эди. У ёшлигидан энгил атлетика билан фаол шуғулланарди. ХОҚнинг бўлажак раҳбари 1912 йилги Стокгольм Олимпиадасида АҚШ терма жамоаси сафида энгил атлетика беш кураши бўйича бешинчи ўрни эгаллашга муваффақ бўлган. Спортчи 1914, 1916 ва 1918 йилларда энгил атлетика кўпкураши бўйича мамлакат чемпиони ҳам ҳисобланади. Сўнг у кўл тўпи билан шуғуллана бошлаб, спортнинг бу турида Американинг энг яхши ўйинчиси, деб ҳам топилган.

Эйвери Брэндеж 1925-1927 йилларда мамлакат кўл тўпи миллий кўмитасининг раҳбари, шундан сўнг эса ҳам Миллий олимпия кўмитасининг, ҳам энг нуфузли АҚШ ҳаваскор энгил атлетика уюшмасининг президенти этиб сайланган. У 1930 йилдан ўттиз икки йил мобайнида Халқаро ҳаваскор энгил атлетика федерацияси — ИААФ вице-президенти вазифасида ишлади.


Эйвери Брэндеж 1945 йилда Халқаро Олимпия Кўмитасининг вице-президенти, яна бир йилдан кейин эса биринчи вице-президенти лавозимларига сайланган эди. Аслида Хельсинки 1940 йилда Олимпиада ўйинлари мезбони бўлиши керак эди. Бунга иккинчи жаҳон уруши ҳалакат қилди. Шунинг учун ўн бешинчи ёзги Олимпиадани ўтказиш шарафи учун даъвогарлик қил-

ўртасидаги рақобат мисли кўрилмаган даражада кескинлашиб кетди. Аслида бу икки ижтимоий тузум ўртасидаги сиёсат, иқтисодиёт, бошқа жабҳалардаги қарама-қарши туришнинг узвий давоми эди. Хельсинки Олимпиадасидан бошлаб қирк йил давомида бу икки тарафга тааллуқли мамлакатлар терма жамоаларининг, алоҳида спортчиларининг натижалари, кўлга киритган медаллари муттасил равишда бир-бирига таққосланиб борилар, улардан би-рортасининг муваффақияти албатта у вакили ҳисобланган томоннинг афзаллиги намоёни эканлиги зўр бериб тарғиб қилнарди.

Баъзан эса ана шу мурасасизлик, расман олган-да бир тузумга тааллуқли, аммо ўзаро муносабатлари келишмай қолган давлатлар ўртасида ҳам яққол намоён бўларди. Бунга мисол сифатида футбол бўйича Югославия билан СССР олимпия жамоалари ўртасидаги учрашувни келтириш мумкин. Хельсинкидаги ўйин-

ка институтида ўқиган. 1949 йилда спорт устаси бўлган. Олимпиадага қадар Берлинда бўлиб ўтган ўн биринчи умумжаҳон студентлари ўйинлари чемпиони ҳисобланарди.

Галина Шамрай 1954 йилда Римда бўлиб ўтган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионатида мутлақ чемпион бўлди. У бутуниттифок, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари спартакиадаларида ҳам катта муваффақият билан шунингдек, ўзбекистонлик Олимпиада чемпиони 1956 йилдан спорт гимнастикаси бўйича мураббийлик қила бошлади. Республикада кейинчалик ҳам Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари голиблари ва совриндорлари этишиб чиқишида унинг муносиб ҳиссаси бор. Галина Шам-



СУРАТДА: уч карра Олимпиада чемпиони норвегиялик Ялмар Андерсен.

бирор томонга устунлик бермади. Бу икки давлат спортчилари норасмий жамоа ҳисобида бир хил — 494 очко тўпладилар. Тўғри, америкаликлар кўпроқ олтин медални кўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Улар ҳисобида жами 76 та (40 та олтин, 19 та кумуш ва 17 та бронза) медаллари бор эди. Совет иттифоқи спортчилари 71 та (22 та олтин, 30 та кумуш ва 19 та бронза) медалларини кўлга киритдилар. 259,5 очко ва 42 та (16 та олтин, 10 та кумуш ва 16 та бронза) медали билан Венгрия олимпиадачилари учинчи ўринга кўтарилиб, спорт оламида катта шов-шувга сабаб бўлдилар.

1952 йилги олтинчи қишки Олимпиадада иштирок этиш бор кичик курорт шартлари эмас, пойтахтда ўтказилганлиги билан эсда қоларли бўлди. Ослода мазкур оламшумул мусобақалар учун махсус қишки стадион, бошқа спорт иншоотлари барпо этилди.

Норвегия пойтахтида 14-25 февралда бўлиб ўтган мусобақаларда иштирок этиш учун 30 мамлакатдан 732 спортчи, шу жумладан 108 аёл келди. Улар беш қишки спорт тури бўйича 22 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Швеция олимпиадачиларининг чанги спортда аввалги утуқларини такрорлашга умидлари пучга чиқди. Норвегия ва Финляндия чангчилари жами 18 медалнинг 16 тасини ўзаро бўлашиб олдилар. Швеция спортчилари эса фақат яккаю ягона бронза медали билан кифояландилар, холос.

Баландликдан чангида тушишда иккита олтин медалга сазовор бўлган америкалик Андреа Мид-Лоренсинг қатъияти ҳайратланарлидир. У мусобақа пайтида трассада йиқилиб тушганига қарамасдан, ўрнидан туриб марра томон чангида учини давом эттирди ва энг яхши натижа кўрсата олди. Қишки Олимпиада ўйинларида бунгача ва бундан кейин ҳам бирорта шундай воқеа кузатилмаган.

Аммо Осло қишки Олимпиадасининг қаҳрамони норвегиялик Ялмар Андерсен ҳисобланади. У 5000 ва 10000 метрга конькида югуришда ҳам олимпиада рекордлари ўрнатди, ҳам чемпион бўлди. Спортчининг 1500 метрга конькида югуришдаги галабаси, айниқса қутилмаган эди.

Мезбонлар бу Олимпиадада гоят муваффақиятли қатнашдилар. 104,5 очко ва 16 та (7 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза) медалларини кўлга киритган Норвегия жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин АҚШ, учинчиси — Финляндия олимпиадачиларига насиб этди.

Олимпиада ўйинлари йилида Тошкентда 24 август — 7 сентябрда навабтадаги республика спартакиада-си, Ашхобода эса 19 — 24 октябрь кунлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг еттинчи спартакиада-си ўтказилди. Бу оммавий спорт мусобақаларининг тантанали очилиши пайтида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчиларининг сони 500 минг кишидан ортиб кетганини, бир йил ичида республикада 18 спорт устаси ва 50 минг разрядчи спортчи тайёрланганлиги фахр билан тилга олинди.

Оммавийликдан махорат сари шиори ўлка спартакиада-си мусобақаларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбек спортчилари беш иттифокдош республика терма жа-ш муваффақиятларини такрорлаб, тўрт карра чемпион фахрли номига эга бўлди.

Венгрия футболчилари олимпиада жамоалари ўртасида энг кучли эканликларини ишонarli тарзда исботладилар. Бундан уларнинг финал сари йўлда руминияликлар (2:1), италияликлар (3:0), туркияликлар (7:1), шведлар (6:0) қаршиликларини энгиб ўтиб, ҳал қилувчи учрашувда собиқ иттифок футболчиларини доғда қолдирган югославларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратганлари далolat беради.

АҚШ ва СССР олимпиадачилари ўртасида Хельсинкидан бошланган кескин рақобатнинг муқаддимаси

Олимпиада: биринчидан йигирма тўққизинчигача

РАҚОБАТНИНГ КЕСКИНЛАШИШИ

XIV ва XV ёзги Олимпиада ўйинлари орасида Халқаро Олимпия ҳаракатида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Халқаро Олимпия Кўмитасининг 1951 йил Венада бўлиб ўтган сессиясида собиқ совет иттифоқи олимпия кўмитаси тан олинди. Хоқ ўзи иттифок олимпия терма жамоасига 1948 йилги Олимпиадада иштирок этишга руҳсат бериш ниятида эди. Аммо совет томони тегишли расмиятчиликларни ўз вақтида амалга ошира олмаганлиги сабабли бу давлат спортчиларининг Олимпиадачилар оиласига қўшилиши яна тўрт йил кутишларига тўғри келди.

ларда бу икки мамлакат футболчиларининг биринчи учрашувда 5:5 ҳисоби қайд қилинди. Қўшимча учрашувда югослав футболчилари катта қийинчилик билан рақибларидан устунлигини (3:1) исботладилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Югославия раҳбарияти олиб бораётган сиёсатдан норози бўлган Сталин ўз футболчиларининг бу мамлакат олимпия жамоасидан мағлубиятидан ўта дарғазаб ҳолга келди. Унинг ўғли Василий футбол бўйича собиқ иттифок терма жамоасининг ҳомийси эканлигига қарамасдан унинг аралашishi ҳам бош мураббий Борис Аркадьев, етакчи футболчилар К.Бесков, В.Николаев, К.Крижевский, А.Башашкинларнинг фахрий унвонларидан махрум этилишларидан сақлаб қола олмади. Ўз-ўзидан рав-ланки, Борис Аркадьев терма жа-моа бош мураббийи вазифасидан четлаштирилди.

Шу билан бирга икки тузум мамлакатлари, айниқса АҚШ ва СССР терма жамоалари ўртасидаги кескин рақобат спорт натижаларида ҳам ўз ифодасини топди. Финляндия пойтахтида 1952 йил 19 июль — 3 августда бўлиб ўтган беллашувларда 66 та олимпия ва 18 та жаҳон рекорди ўрнатилди.

Чехословакиялик Эмиль Затопек ҳеч шубҳасиз Хельсинки Олимпиадасининг қаҳрамони ҳисобланади. У 5000, 10000 метрга ва марафон югуришида голиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлди. Собиқ иттифокнинг спорт гимнастикаси бўйича терма жамоаси сафидаги Мария Гореховскаянинг натижалари ҳам жуда салмоқли бўлди. У етти та — иккита олтин ва бешта кумуш медал сохибаси бўлди.

Аёллар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича жамоа ҳисобида ўн бешинчи Олимпиада ўйинлари фахрий шоҳуспасининг энг юқори поғонасига кўтарилган совет иттифоқи спортчи қизлари сафида тошкентлик Галина Шамрай ҳам бор эди. У Олимпиада чемпиони юксак унвонига сазовор бўлган Ўзбекистоннинг биринчи вакили бўлди. Галина Шамрай, шунингдек, жамоа таркибида мажбурий машқлари бажаришда кумуш медални ҳам кўлга киритди.

Галина Шамрай Тошкентдаги ўсимлар спорт мактаби гимнастика секциясида тарбия топган, педагоги-

рай спорт гимнастикаси бўйича халқаро тоифадаги ҳакам бўлиб, кўпгина нуфузли халқаро мусобақаларда ҳакамлик қилган.


Олимпиада-чи аёллардан австралиялик Маржари Жексон энг қисқа — 100 ва 200 метрга югуришда олтин медалларни кўлга киритиш билан бирга бу масофаларда янги жаҳон рекордларини ўрнатди.

Бразилиялик Адемар Феррейра да Сиванинг уч хатлаб 22 сантими метр натижаси ҳам янги жаҳон рекорди сифатида қайд этилди. У яна тўрт йилдан сўнг Мельбурнда Хельсинкидаги ютуғини такрорлаб, икки карра Олимпиада чемпиони бўлди. Унинг спорт майдонларидаги зафарларига кейинчалик машҳур кино артисти шуҳрати ҳам қўшилди.

Сузис мусобақаларида эса Венгрия ва АҚШ спортчиларининг устунлиги яққол сезилди. Агар аёллар ўртасидаги сузис мусобақаларида венгрияликлар етти та — тўртта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медали билан тақдирланган бўлсалар, эркеклар ўртасидаги беллашувларда америкаликлар олтин олий нишон сохиби бўлдилар. АҚШ аёллар жамоасида эса Патриция Мак-Каррини айниқса ажралиб турарди. Сува трамплиндан ва минорадан сакрашда унга тенг келади-ганлар топилмади. Янада эътиборлиси, америкалик спортчи яна тўрт йилдан сўнг навабтадаги Олимпиадада ҳам ҳудди шу муваффақиятларини такрорлаб, тўрт карра чемпион фахрли номига эга бўлди.

Венгрия футболчилари олимпиада жамоалари ўртасида энг кучли эканликларини ишонarli тарзда исботладилар. Бундан уларнинг финал сари йўлда руминияликлар (2:1), италияликлар (3:0), туркияликлар (7:1), шведлар (6:0) қаршиликларини энгиб ўтиб, ҳал қилувчи учрашувда собиқ иттифок футболчиларини доғда қолдирган югославларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратганлари далolat беради.

АҚШ ва СССР олимпиадачилари ўртасида Хельсинкидан бошланган кескин рақобатнинг муқаддимаси




СУРАТДА: ўн бешинчи Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш пайти.

ган Амстердам, Афина, Детройт, Миннеаполис, Филадельфия, Чикаго, Лозанна, Стокгольм номзодлари орасидан Финляндия пойтахтининг танланганлиги адолатдан эди.

Олимпиада ўйинлари тарихида биринчи марта Хельсинки умумжаҳон мусобақаларига 69 мамлакатдан 4925 спортчи, шу жумладан 518 аёл ташриф буюрди. Улар сафида илк бор Багам ороллари, Гана, Гватемала, Гонконг, Индонезия, Исроил, Нигерия, Нидерланд, Антил ороллари, ГФР, Таиланд, Жанубий Вьетнам қатори собиқ иттифок олимпия терма жамоалари аъзолари бор эди. СССР номидан ўн та иттифокдош республика, шу жумладан Ўзбекистон вакиллари ҳисобланган 295 спортчи ўйинлар да-стуридан ўрин олган чим устида хоккейдан бошқа спортнинг барча турлари бўйича мусобақаларда иштирок этдилар.

Ўйинларда мусобақалар мамлакатлар орасида эмас, балки спортчилар ўртасида ўтказилиши олимпия характерининг асосий тамойилларидан бири эканлигига, шу сабабли ҳам ХОҚ олимпиадаларда расмий жамоаларро яқунлар чикари-лишига қарши эканлигига қарамасдан ўн бешинчи Олимпиададан бошлаб биринчи навабта АҚШ билан собиқ иттифок



СУРАТДА: икки — Осло ва Хельсинки Олимпиадаларининг чемпиони, чехословакиялик энгил атлетикачи Эмиль Затопек.

Сўранг, жавоб берамиз

Жуда кўпчиликдан эшитамиз, баъзилар кимгадир ишониб қарз беради ва алданиб қолганидан нолиб юришади. Қарз бериш ёки олиш учун нимага асосланиш керак?

Марям Сатторова, Юнусобод тумани

Ушбу саволга Сергели тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидмурод АГЗАМОВ жавоб беради.

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки шу турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўша суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оқдий ёзма шаклда тузилиши шарт. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Агар қарз олувчи қарз шартномасида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзнинг қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашуви жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олинмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада кўрсатилганидан амалда кам миқдорда олган ҳолларда шартнома шу миқдордаги пул ёки ашёларга тузилган ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли сони кўпайгани сайин энергия таъминотига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Аммо бу манбадан фойдаланиш ва қўллашнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ана шуларни назарда тутган ҳолда, энергия таъминоти борасидаги қонуний ҳужжатлар ҳақида билмоқчи эдик.

П.Фуломов, Ш.Парпиев, Юнусобод тумани.

Ушбу саволга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими Алишер ҒУЛОМОВ жавоб беради.

Дарҳақиқат, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади. Абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек, шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятига эга бўлади.

Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уланган энергия қурилмаси, шунингдек, энергия истеъмолчиси ҳисобга олиш ускуналари ва асбоблари мавжуд бўлган абонент билан тузилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда абонент тармоққа белгиланган тартибда амалга биринчи марта уланган пайтдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисобланади.

Энергия таъминоти шартномасининг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгариш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади.

Энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва тарафлар келишган энергия бериш тартибига амал қилган ҳолда энергия бериши лозим. Энергия билан таъминловчи ташкилот берган ва абонент қабул қилган энергия миқдори ўлчов асбоблари кўрсаткичлари билан аниқланади.

Энергетика тармоқлари, асбоб ва ускуналарининг техник ҳолатига ва уларни ишла-тиришга қўйилмаган талаблар, шунингдек уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

